



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

# TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



**THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

An international scientific and practical online conference on the topic  
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
TEACHING FOREIGN LANGUAGES  
(TSUL ICON - FLT)**

**Foreign languages department**

**Tashkent – 2021**

## ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЭНИГМАТИКА

*Якубова Нодирахон Давлатбой қизи*

*Докторант, Қўқон давлат педагогика институти*

**DOI 10.5281/zenodo.4963488**

**Аннотация:** Тилшуносликда тилнинг ички структураси, унинг шаклий ва мазмуний томонлари ўрганилган бўлса, ҳозирда соҳанинг янги йўналишлари пайдо бўла бошлади. Бундай янги соҳалар қаторига социолингвистика, когнитив лингвистика, этнолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, лингвопоэтика, матн тилшунослиги каби йўналишларни киритиш ҳамда бу соҳалар тадқиқига эътибор кучайганлиги натижаси ўлароқ қатор ишларнинг юзага келганлигини эътироф этиш муҳимдир.

**Калим сўзлар:** *социаллик, тил ва жамиятнинг алоқадорлиги, тилшунослик, мантиқий саволлар, кроссвордлар, ребуслар.*

Тилшуносликда тилнинг ички структураси, унинг шаклий ва мазмуний томонлари ўрганилган бўлса, ҳозирда соҳанинг янги йўналишлари пайдо бўла бошлади. Бундай янги соҳалар қаторига социолингвистика, когнитив лингвистика, этнолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, лингвопоэтика, матн тилшунослиги каби йўналишларни киритиш ҳамда бу соҳалар тадқиқига эътибор кучайганлиги натижаси ўлароқ қатор ишларнинг юзага келганлигини эътироф этиш муҳимдир. Табиийки, тил моҳиятида бу йўналишлардан бирининг борлиги бошқасининг мавжудлигини инкор қилмайди. Айтайлик, социаллик (ижтимоий жиҳат)нинг мавжудлиги унда психиклик (руҳий жиҳат) ҳам бор бўлиши мумкинлигини рад этмайди. Шунинг учун тилнинг моҳиятини очишда мазкур хусусиятларнинг барчасини ҳисобга олиш лозим.<sup>1</sup> Бу эса ўз навбатида

---

<sup>1</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тили социолингвистикаси муаммолари// Ўзбек тили ва адабиёти.—Тошкент, 2020-- №3.—Б.5.

тадқиқотчига тил деб аталмиш беназир ҳодисани нисбатан тўлиқ ва мукаммал, яъни тизимли ўрганиш имкониятини беради.

Тил ва жамиятнинг алоқадорлик масалаларини ўрганувчи социолингвистиканинг дастлабки илмий асослари XIX-XX асрлардаги бир қатор олимларнинг ишларида бўй кўрсатгани эътироф этилади, аммо “социолингвистика” термини анчадан кейин, хусусан, 1952-йилда (дастлаб америкалик тадқиқотчи Х.Карри томонидан қўлланган) пайдо бўлганлиги қайд этилади.<sup>2</sup> Ўзбек тилшунослигида ҳам социолингвистик йўналиш кам ўрганилганлиги боис бу борада бирмунча тадқиқот ишларига эҳтиёж борлиги сезилади.

Маълумки, тил ўзида ижтимоийлик хусусиятини сақлайди. Жамиятнинг турли қатламлари, хусусан уларнинг аъзолари ўзига хос сўзлашув услуби, “тил”га эга. Айнан шу қатлам эгалари фойдаланадиган шундай тил бирликлари, ифодалар мавжудки, уларни социолингвистик ёндашувсиз ўрганишнинг асло имкони йўқ. Шунинг учун ҳам жумбоқли матнлар орасида болалар ва катталар учун тузилган топишмоқлар, мантиқий саволлар, кроссвордлар, ребуслар каби жумбоқ яширинган матнлар социолингвистиканинг объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ижтимоий лингвистика юзасидан олиб бориладиган тадқиқотларда тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатлари, тафаккур ва маданиятнинг шаклланиши ҳамда ривожда тилнинг фавқулодда ўрни мунтазам назарда тутилиши керак. Ҳеч бир жамиятни ушбу юқорида саналган муаммолардан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмаслигини исботлашнинг ҳожати йўқ.

Инсоннинг билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан ҳамоҳангдир. Ўтган асрнинг бошларида олмон файласуфи (кейинчалик АҚШда яшаб ижод қилган) Эрнест Кассирер инсоннинг билиш фаолиятига борликни худди кўзгудек акс

---

<sup>2</sup> Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. –Ташкент: Фан, 2002, стр.152

эттирувчи эмас, балки предметларнинг ички ёки ташқи моҳиятини акс эттирувчи ҳодиса сифатида қаралиши лозимлигини уқтиради.<sup>3</sup> Шу маънода, биз таҳлилга тортмоқчи бўлаётган жумбоқли матнлар ҳам муайян предметнинг ички моҳият (функционал вазифаси) ҳамда ташқи кўринишини нисбатан мавҳум бўлса-да, ўзига хос йўсинда тасвирлайди, дейишимиз мумкин. Табиийки, жумбоқнинг жавобини топишга интилиш билиш фаолиятининг бевосита маҳсули, дея қаралиши ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда одатда сўз ўйинлари жавобга элтувчи асосий йўл бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Этнолингвистика тилшуносликнинг тил ва унинг ташувчиси бўлган халқ орасидаги боғлиқликлар ҳамда муносабатларни, тил ривожини, вазифавий хусусиятларига лисоний, этник омилларнинг биргаликдаги таъсирини ўрганувчи соҳасидир.

Этнолингвистика, айниқса, ёзувга эга бўлмаган халқларнинг этнографиясини ўрганишда, уларнинг тилларидаги этник хусусиятлар билан боғлиқ лисоний материалларни тўплаш ва тадқиқ қилишда кўл келади.<sup>4</sup> Оғзаки ижод намуналари бўлмиш топишмоқларни ўрганишда ҳам этник омиллар (халқнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий анъаналари, фалсафий ва диний қарашлари) аҳамиятли жиҳатлар ҳисобланади. Зероки, улар ёзувсиз ҳам муайян халқнинг ўзига хосликларини аجدодлардан авлодлага ташувчилар бўлиб хизмат қилишмоқда.

Прагматика, Ш.Сафаров таъбири билан айтганда, тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири

---

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006, 23 б.

<sup>4</sup> Звегинцев В. А., Этнолингвистика, в его кн.: История языковедения XIX—XX вв. в очерках и извлечениях, т. 2, М., 1965

масалалари ўрганиш киради.<sup>5</sup> Бинобарин, мулоқот иштирокчиларидан бирининг бошқасига савол бериши, топишмоқ айтиши, оғзаки ёки ёзма жумбоқнинг жавобини топишга ундаши ҳам респондентга муайян таъсир ўтказилаётганини ва бу таъсирдан кутилаётган муддао—унинг қандай жавоб бериши коммуникатив жараёни юзага келтиради. Шу жиҳатга кўра ҳам, энигматик матнларни прагмалингвистик нуқтаи назардан ўрганишга эҳтиёж кучли.

Энг кейинги даврларда ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигманинг муҳим соҳаларидан бири бўлган лингвокультурологияга бўлган қизиқиш ортганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, профессор Н.Маҳмудов, Э.Бегматов, А.Нурмоновларнинг ушбу соҳага алоқадор бўлган мақолалари эълон қилинди.<sup>6</sup> Албатта, ўзида муайян халқнинг маданий белгиларини намойиш этаётган топишмоқларни лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилмасликнинг иложи йўқ. Олимларнинг бу борадаги изланишларни ўрганар эканмиз, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, топишмоқларни ўзлари тегишли бўлган маданият фонида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Топишмоқнинг образли компоненти таркибидаги семантикани ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада жумбоқни тасвирлаш шартлари ҳам муҳим саналади. Ўзида муайян маданиятга хос ахборотни сақлайдиган топишмоқларни культурологик жиҳатдан тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликдаги истиқболли йўналишлардан биридир. Зероки, топишмоқлар ўзлари тааллуқли бўлган маданият контексти ва паремиологик нутқда таҳлил қилиниши лозим бўлган лингвомаданий ҳодисадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

<sup>5</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. Тошкент. 2008. Б.76

<sup>6</sup> Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39; Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 10-19.



1. Махмудов Н. Ўзбек тили социолингвистикаси муаммолари// Ўзбек тили ва адабиёти.—Тошкент, 2020--№3.
2. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. –Ташкент: Фан, 2002
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006
4. Звегинцев В. А., Этнолингвистика, в его кн.: История языковедения XIX—XX вв. в очерках и извлечениях, т. 2, М., 1965
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. Тошкент. 2008. Б.76